



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ**

ҚАРОРИ

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилиши бўйича аниқ ҳисоб ва назорат ташкил этилишини ўрганиш юзасидан идоралараро маълумотларни тақдим этиш бўйича Вақтинчалик тартибни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 январдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, миграция жараёнларини тартибга солиш ва истиқболда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини самарали оширишга йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қарор қиладилар:

1. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилиши бўйича аниқ ҳисоб ва назорат ташкил этилишини ўрганиш юзасидан идоралараро маълумотларни тақдим этиш бўйича Вақтинчалик тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор 2012 йилнинг 1 мартидан кучга киради.

Давлат статистика қўмитаси раиси

Б.Тўраев

Тошкент ш.
2012 йил 29 феврал
2 - сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б.Парпиев

Тошкент ш.
2012 йил 29 феврал
2012-12 - сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А.Хайтов

Тошкент ш.
2012 йил
8 КК - сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси,
Давлат солиқ қўмитаси ҳамда
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг
2012 йил 29 февралдаги
2, 2012-15, 8-ҚҚ - сон қарорларига
илова

**Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя
этилиши бўйича аниқ ҳисоб ва назорат ташкил этилишини ўрганиш
юзасидан идоралараро маълумотларни тақдим этиш бўйича
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ**

Мазкур Вақтинчалик тартиб Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 январдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, миграция жараёнларини тартибга солиш ва истиқболда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини самарали оширишга йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури”да юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур Вақтинчалик тартиб штат жадваллари давлат бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларига, шунингдек яқка буюртмалар бўйича умумий овқатланиш соҳасида банкет асосида хизмат кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 3 декабрдаги 193-Қ–сонли буйруғи (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабр) билан тасдиқланган “Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда 2173-сонли Низом деб аталади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2011 йил 2 февралдаги 2011-5, 6-сонли қарорлари (рўйхат рақами 2200, 2011 йил 23 феврал) билан тасдиқланган “Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни

ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда 2200-сонли Низом деб аталади) асосида аниқланади.

2. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектлардаги ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги давлат статистика ҳисоботлари кўрсаткичларидан шаклланади:

1-mehnat “*Меҳнат ҳисоботи*”(ойлик) – тижорат фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари барча юридик шахслар учун;

1-KB “*Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботи*” (йиллик) – кичик корхона ва микрофирмалар учун (хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар ва қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари);

1-KB QX “*Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботи*” (йиллик) – қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар учун;

1- KB TS “*Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот*” (йиллик) – хорижий сармоя иштирокидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун;

1-FX “*Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот*” (чорақлик) – фермер хўжаликлари учун.

3. Ушбу Вақтинчалик тартибнинг 2-бандида кўрсатилган ҳисоботларни шакллантириш даврийлиги йиллик ҳисобланади.

4. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилиши бўйича аниқ ҳисоб ва назоратини ташкил этиш – маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, идоралараро алмашиш, таҳлил этиш, таққослаш ва улар асосида ушбу Вақтинчалик тартибда белгиланган тегишли ишларни амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

II. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишининг ҳисоби ва назоратини ташкил этиш

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги ходимлар сони ва уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотларни ушбу Вақтинчалик тартибнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шакллантирадилар ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 мартига қадар ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармалари ва давлат солиқ бошқармаларига электрон тарзда тақдим этадилар.

6. Ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармалари статистика бошқармалари томонидан ушбу Вақтинчалик

тартибнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклда такдим этилган маълумотлар асосида ҳар бир корхона бўйича уларнинг ходимлари сони ва иш ҳақи фондлари миқдорларининг 2173 ва 2200-сонли Низомлар талабларига мос келишини текширадилар ҳамда амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида ушбу Вақтинчалик тартибнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ жадвал маълумотларини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 мартига қадар шакллантирадилар.

7. Худудий давлат солиқ бошқармалари статистика бошқармалари томонидан ушбу Вақтинчалик тартибнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклда такдим этилган маълумотларда қайд этилган корхоналарнинг ходимлари сони ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги статистик маълумотларни солиқ тўловчилар тўғрисида давлат солиқ хизмати органларида мавжуд маълумотлар базаси билан таққослаб, ушбу Вақтинчалик тартибнинг 5, 6 ва 7-иловаларига мувофиқ жадвал шаклидаги маълумотларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 мартига қадар шакллантирадилар.

8. Худудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармалари ва давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида аниқланган хатолик ҳамда маълумотлардаги номувофиқликларни бартараф этиш учун тегишли равишда ушбу Вақтинчалик тартибнинг 3-7-иловаларига мувофиқ шаклдаги жадвал маълумотлари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартига қадар туман (шаҳар) ҳокимликларига такдим этилади.

9. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан статистика бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда давлат солиқ инспекцияси иштирокида тузилган ишчи комиссия ёрдамида ушбу Вақтинчалик тартибнинг 3-7-иловаларига мувофиқ шаклдаги жадвал маълумотларида мавжуд бўлган хатолик ва номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда кўрсаткичларга ойдинлик киритиш ишларини амалга оширади.

10. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва давлат солиқ инспекциялари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисоботларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, юридик шахслар бўйича шакллантирилган давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар базасига ҳамда статистик маълумотлар базасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар киритадилар.

11. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва давлат солиқ инспекциялари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар тузатишлар киритилган маълумотлар базаларини ўрнатилган тартибда худудий статистика бошқармаларига, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармаларига ва давлат солиқ бошқармаларига, ўз навбатида, (бош) бошқарма (вазирлик)лар томонидан тегишли равишда Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига такдим этадилар.

III. Қурилиш корхоналарида ишчилар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишининг ҳисоби ва назоратини ташкил этиш

12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари қурилиш корхоналаридаги ходимлар сони ва уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотларни ушбу Вақтинчалик тартибнинг 8-иловасига мувофиқ жадвал кўринишида шакллантирадилар ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 мартига қадар ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармалари ва давлат солиқ бошқармаларига тақдим этадилар.

13. Ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармалари статистика бошқармалари томонидан тақдим этилган ушбу Вақтинчалик тартибнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги жадвал маълумотлари асосида ҳар бир корхона бўйича уларнинг ходимлари сони ва иш ҳақи фондлари миқдорларининг 2173 ва 2200-сонли Низомлар талабларига мос келишини текширадилар ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида ушбу Вақтинчалик тартибнинг 9-иловасига мувофиқ жадвал кўринишидаги маълумотларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 мартига қадар шакллантирадилар.

14. Ҳудудий давлат солиқ бошқармалари давлат статистика бошқармалари томонидан тақдим этилган ушбу Вақтинчалик тартибнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги жадвал маълумотларида кўрсатилган корхоналарнинг ходимлари сони ва иш ҳақи фондлари тўғрисидаги статистик маълумотларни ушбу корхоналар тўғрисида давлат солиқ хизмати органларида мавжуд бўлган маълумотлар базаси билан таққослаб, ушбу Вақтинчалик тартибнинг 10-иловасига мувофиқ жадвал кўринишидаги маълумотларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 мартга қадар шакллантирадилар.

15. Ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармалари ва давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида аниқланган хатолик ва маълумотлардаги номувофиқликларни бартараф этиш учун тегишли равишда ушбу Вақтинчалик тартибнинг 9-10-иловаларига мувофиқ шаклдаги жадвал маълумотлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартига қадар туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдим этилади.

16. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан статистика бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва давлат солиқ инспекцияси иштирокида тузилган ишчи комиссия ёрдамида ушбу Вақтинчалик тартибнинг 9-10-иловаларига мувофиқ шаклдаги маълумотларда мавжуд бўлган хатолик ва номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда кўрсаткичларга ойдинлик киритиш ишларини амалга оширади.

17. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва давлат солиқ инспекциялари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисоботларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, юридик шахслар бўйича шакллантирилган давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар базасига ҳамда статистик маълумотлар базасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар киритилади.

18. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва давлат солиқ инспекциялари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар тузатишлар киритилган маълумотлар базаларини ўрнатилган тартибда ҳудудий статистика бошқармаларига, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (вазирлиги) бош бошқармаларига ва давлат солиқ бошқармаларига, ўз навбатида, (бош) бошқарма (вазирлик)лар томонидан тегишли равишда Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этадилар.

IV. Якуний қоидалар

19. Мазкур Вақтинчалик тартиб 2014 йил 1 январгача амал қилади.